

---

## ФУРҚАТ ТУМАНИДА ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Бугун Фурқат туманидаги 12-сонли мусиқа ва санъат мактабида “Прокурор ва ёшлар учрашуви” мавзусида Фарғона вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари Ш. Турдалиев Фурқат туманидаги ёшлар билан учрашди.

Учрашувда туманда истиқомат қилаётган ёшлар вакиллари турли соҳаларга оид ариза ва таклифларини баён қилдилар. Ш. Турдалиев ҳамда учрашувда иштирок этган ташкилот ва муассалар раҳбарлари томонидан аксарият мурожаатлар шу куни ҳал этилди. Қолган мурожаатларнинг ечимини топиш ҳамда ҳал қилиш юзасидан масъул шахсларга кўрсатмалар берилди.

Учрашув якунида турли соҳаларда юқори натижаларга эришган фурқатлик илғор ёшларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

Учрашув доирасида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ҳарбий техника ва аслаҳаларнинг кўргазмаси, ҳарбийларнинг чиқишлари намойиш этилди. туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳамда тадбиркорлар томонидан ўзлари ишлаб чиқарган махсулотларнинг кўргазмалари ҳам ташкил этилди.

Тадбирда тумандаги умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим ташкилотлари қўл муҳнати намуналаридан иборат кўргазмаларини ҳам намойиш этдилар.

### **Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати**

---

2020-02-05 15:05:23